



НАЗОРАТ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Ҳақиқий ҳаёт ўзи қандай? Шаҳар ва қишлоқлардаги реал манзарага назар ташласак, нимани кўрамиз? Одамларнинг кайфияти-чи? Чекка ҳудудлардаги аҳолининг юрагига қўл солсак, уларнинг кўнгилдан қандай гаплар, орзу-мақсадлар сизиб чиқади?

4-5 САҲИФАЛАРДА

» БУГУНГИ СОНДА

ҚУЙИ ПАЛАТА ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ШУ КУНЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ҲУДУДЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИБ, УЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ, ФУҚАРОЛАРНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР БИЛАН ҚИЗИҚМОҚДА. МУХИМИ, АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН ТЕЗ СУРЪАТДА ИЖОБИЙ ЕЧИМИНИ ТОПИБ, ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ПАРЛАМЕНТ ВАКИЛЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ, ЖОЙЛАРДАГИ ВАЗИЯТНИ, ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРНИ ҲАМ ЎРГАНИБ БОРМОҚДА.

2

АСОСИЙ СТАВКА
ЙИЛЛИК 13,5 ФОИЗ:

2026 ЙИЛ ОХИРИДА
5 ФОИЗЛИК
ИНФЛЯЦИОН
ТАРГЕТГА
ЭРИШИЛАДИ

8



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ФРИЛАНС, МАСОФАВИЙ ИШ: ОДАМЛАР ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ ВА ҚАЙСИ ВАҚТДА ИШЛАШИ МУҲИМ ЭМАС...

БУГУН СИРДАРЁДА БАХТИЁР ДУШАЕВНИ Кўпчилик танийди. ҚАҲРАМОНИМИЗ Кундузи МЕБЕЛСОЗЛИК, КЕЧҚУРУН НОВВОЙЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛГАН. 2016 ЙИЛ ТУНДА ИШДАН ҚАЙТАЁТГАН ҚАҲРАМОНИМИЗ БАХТСИЗ ҲОДИСАГА УЧРАГАН.

6



СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ



ИЖТИМОЙ ҲАЁТИМИЗДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАРАЁН

7

МАҚСАД – ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШ

ЮРТИМИЗДА МАВЖУД СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ЎЗ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ, САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЭСА ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АВВАЛО, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҒОЯЛАРИ УСТИГА ҚУРГАН.

3

САҲИФАДА



ҚУЙИ ПАЛАТА ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ШУ КУНЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ХУДУДЛАРДА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИБ, УЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИ, ФУҚАРОЛАРНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР БИЛАН ҚИЗИҚМОҚДА. МУҲИМИ, АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН ТЕЗ СУРЪАТДА ИЖОБИЙ ЕЧИМИНИ ТОПИБ, ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚўШАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ПАРЛАМЕНТ ВАКИЛЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ, ЖОЙЛАРДАГИ ВАЗИЯТНИ, ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ОИД ТАКЛИФЛАР, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРНИ ҲАМ ЎРГАНИБ БОРМОҚДА.

Қуйи палатадаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракция аъзолари ҳам сайлов округларида аҳоли вакиллари билан мулоқотлар ўтказмоқда. Ижтимоий соҳа объектларининг ҳолати ўрганилиб, камчиликларни батараф этиш чоралари кўриляпти.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлисдаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов Наманган вилоятида сайловчилар билан учрашди. Мулоқотда партиянинг Сайловолди дастурида кўрсатилган бир қатор мақсад ва вазифаларига тўхталиб ўтилди. Жумладан, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириб бориш бўйича амалий тадбирларнинг жорий ҳолати, жойларда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини яхшилаш масалалари қай йўсинда байжалаётганига эътибор қаратилди.

Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг сифат даражаси муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, учрашувда ҳудудларда

партия фаолиятини ва фуқаролар билан ишлаш механизмларини янада ривожлантириш масалаларига урғу берилди. Партиянинг мақсад-вазифалари тарғиботи борасида янгича ёндашувларни жорий қилиш, унинг сафига аъзоларни жалб этиш каби масалаларда фикр юритилди.

Фракция раҳбарига кўра, бундай мазмундаги амалий аҳамиятга эга бўлган муҳокамаларни доимий, масалан, камида ойда бир марта ўтказиб бориш керак. Амалга оширилаётган ишларнинг доимий мониторингини юритиш ва олис ҳудудларда аҳолини қийнаётган ижтимоий муаммоларни мунтазам равишда ўрганиш тизимини янги босқичга кўтариш устувор вазифа саналади. Бу партиянинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ҳамда аҳоли ишончининг ортишида муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

ВАЗИЯТ ҲАММА ЖОЙДА БИР ХИЛ ЭМАС

Айни пайтда Бухорода бўлиб турган қуйи палата депутати, партия фракцияси аъзоси Зулайхо Акромова ўрганишларни вилоят марказида жойлашган 27-сонли алоҳида таълим эхтиёжлари бўлган ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатидан бошлади.

Маълум бўлишича, муассасада 375 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар 9-синфни битиргач, Самарқанд шаҳрида жойлашган мактаб-интернатда ўқишни давом эттириши белгиланган. Бироқ кўплаб оилаларнинг шароити тўғри келмагани сабабли фарзандларини у ерга юбора олмайди. Мисол учун, 2023-2024 ўқув йилида 35 нафар бола интернатни тамомлаган бўлса, уларнинг атиги 3 нафари таълимни давом эттирмоқда.

Шунингдек, мактаб-интернатда психолог ўқитувчи етишмаслиги ва болаларнинг тишларини долововчи врачга эхтиёж борлиги айтиб ўтилди. Ушбу масалалар жойида ҳал этилди.

Вилоятдаги алоҳида таълим эхтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 123-мактаб-интернати депутатнинг навбатдаги манзили бўлди. Аниқланишича, 2020-2021-ўқув йили давомида “Замин” хайрия фонди ва Халқ таълим вазирлиги томонидан муассасада таҳсил олувчи 194 нафар ўқувчига иккитадан, жами 394 дона

замонавий рақамли индивидуал эшитиш аппаратлари топширилган. Яна қатор илғор эшитиш мосламаларидан ташқари мактаб янги замонавий аудиометр аппарати билан жиҳозланган. Умуман олганда, мазкур муассасада шароит ва таълим стандартлари белгиланган талабларга мос.

Бироқ вазият ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Масалан, 24-сон “Нурли маскан” мактаб-интернатда ўқувчилар фойдаланиши учун спорт майдони мавжуд эмас. Ҳукумат қарори билан мактаб-интернатда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқув ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти йўлга қўйилиши керак бўлган. Аммо негадир бу иш ҳам якунига етказилмаган.

Муассаса жамоаси билан суҳбатлар давомида масканда таҳсил олаётган кўзи ожиз ва заиф кўрувчи ўқувчиларнинг қизиқишини ҳисоб олган ҳолда, овоз ёзиш студияларини ташкил этиш масаласи кўтарилди. Бундан ташқари, коррекцион машғулотлар ўтказиш учун зарур бўладиган жиҳозлар билан таъминлашда мактаб-интернати йиллик сметасига жиҳозлар учун маблағ ажратиш бўйича ҳам муурожаат қилинди.

Депутат ҳар бир масалани ўрганиб, уларнинг ечими юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини қайд этиб борапти. Ҳудуддаги ўрганишлар якунида умумий хулосаларга таяниб, масалаларнинг ечими устидан назорат ўрнатилиши режалаштирилган.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИ ВА БЕКАТЛАРДА АУДИОЁЗУВЛАР БЎЛИШИ ЗАРУР

Ногиронлар жамияти ва Кўзи ожизлар жамиятининг ҳудудий бўлинмалари, Муруват ва Саховат уйлари, ижтимоий объектлар, “Нуроний” жамғармаси — бу Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Анвар Нурматов Андижонда бориб кўришни мақсад қилган объектларнинг бир қисми. Режага мувофиқ, депутат дастлаб вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси ходимлари билан учрашди. Улардан вилоятда истикомат қилувчи кўзи ожиз фуқароларнинг талаб ва истаклари ҳақида сўради.

Қайд этилдики, кўзи ожиз фуқаролар жамоат транспортда юрган даврда ўз бекатига келганини билмай қийналади. Шу

сабабли жамоат транспортлари ва бекатларни аудио ёзувлар билан таъминлаш лозим. Шунингдек, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси Чўлпон номидаги истироҳат боғида жойлашгани сабабли кутубхонага ҳам шу номни бериш борасида таклиф билдирилди.

Аниқланишича, кутубхонага вилоятнинг турли туман ва шаҳарларидан китобхоналар келади. Шунга қарамай, ходимлар уларнинг сафини янада кенгайтириш истагида. Бунинг учун турли тадбирлар ташкил этиш ва уларга келиб-кейтиш учун кўзи ожиз китобхоналарни транспорт билан таъминлаш масаласида ёрдам сўралди.

Суҳбат давомида брайль алифбосида қўлланма ва китоблар чоп этишга мўлжалланган махсус қоғоз олишга маблағ ажратилиши ҳамда кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида кўзи ожизлар учун кутубхона ташкил этиш, юқори қаватларини кўзи ожиз фуқароларга яшаш учун имтиёзли равишда сотиб олиш имконини бериш каби таклифлар билдирилди.

Депутат ҳар бир муассасада сайловчилар билан самимий суҳбатлар қуриб, уларнинг эхтиёжларини ўрганмоқда.

ПОЙТАХТ МАҲАЛЛАЛАРИДА НИМА ГАП?

Пойтахтимизда жойлашган ижтимоий соҳа объектлари, маҳаллаларда ҳам депутатлар ва сайловчилар мулоқотлари ташкил қилинмоқда. Мисол учун, ХДП фракцияси аъзоси Ирина Токарева Юнусобод туманида жойлашган 87-алоҳида таълим эхтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда бўлди. У ердаги шароит ва ҳақиқий ҳолат ўрганилди. Партия дастурида кўрсатилган таълимни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш масалаларида мактаб маъмурияти билан мулоқот ўтказилди. Хусусан, мактабнинг ички қисмида таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, иситиш тизимини яхшилаш бўйича фикр алмашилди. Масаланинг ечими бўйича келишиб олинди.

Шу билан бирга, депутат Юнусобод туманидаги “Ҳамкоробод” маҳалласида яшовчи аҳоли вакиллари билан учрашиб, хизмат кўрсатиш сифатини ўрганди. Хусусан, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳолати билан танишди.

Таъкидландики, аҳоли дуч келаётган асосий муаммолардан бири бу канализация тизимининг мавжуд эмаслигида. Бу эса санитария қоидаларига тўлиқ амал қилишга халал беради. Шунингдек, маҳаллада давлат мактабгача таълим ташкилотига эхтиёж бор. Фуқаролар маҳалла аҳлини бирдек таъвишга солаётган масалаларда депутатдан ёрдам сўради.


Билдирилган муурожаатлар юзасидан масъулларга депутатлик сўровини юборишга келишиб олинди.



ПАРТИЯ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳудудий кенгашларида пленумлар ўтказилмоқда. Унда партия ташкилотларининг 2024 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган масала кўриб чиқилмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, Давлат дастурининг партиямиз электорати манфаатлари нўқтани назаридан аҳамияти ва шундан келиб чиқиб, жорий йилдаги вазифалар белгилаб олиндыпти.

Шунингдек, пленум кун тартибидан вилоят партия кенгашлари раиси ва унинг ўринбосари, Ижроия кўмитаси аъзоларини қайта байжаш масалалари ҳам ўрин олган.



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИГА ОИД ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Ўтган йилнинг сарҳисоби, янги йилга режа ва мақсадлар белгилаш. Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам Ижроия кўмитасининг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан вилоят кенгаши раиси Раимберган Юсуповнинг ҳисоботи тингланди ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг амалга оширган ишлари кўриб чиқилди. Хусусан, шаҳар ва туман Кенгашлари раислари, депутатларнинг соҳалар кесимидаги фаолияти танқидий-таҳлил қилинди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари қошида 13 та Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинган. Уларга сайловчилардан турли мазмундаги муурожаатлар қабул қилинади. 2024 йилда фуқаролардан бўлган муурожаатларнинг умумий сони 519 тани ташкил этиб, уларнинг 78 фоизи қонун доирасида ҳал этилди. Қолган 22 фоизи эса ҳозирги кунда ўрганиш жараёнида бўлиб, назоратга олинган.

Шунингдек, пленумда 2025 йилдаги режа ва мақсадларни амалга ошириш учун партия ташкилотлари, депутатлар фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Аҳолининг эхтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий масалаларга оид янги ташаббусларни илгари суриш борасида фикр билдирилди.

Хусусан, партия аъзолари, фаоллар вилоятнинг ҳар бир ҳудудидаги ижтимоий аҳволни яхшилашга қаратилган аниқ амалий чора-тадбирларни белгилаб олиши муҳим аҳамиятга эгаллиги қайд этилди. Бунинг учун партия аъзолари аҳоли билан яқин алоқаларини ривожлантириши, кенг жамоатчиликни партия дастурлари билан таништиришга алоҳида эътибор қаратиши зарурлигига урғу берилди.

Пленум якунида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар билан боғлиқ қарорлар қабул қилинди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Пленум аъзолари ва вилоят кенгаши масъул ходимлари, шаҳар ва туман партия Кенгашлари раислари иштирок этган пленум кун тартибида Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитасининг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг 2024 йилда амалга оширган фаолияти юзасидан ахбороти тингланди. Шунингдек,



Пленумда Тошкент вилоят кенгаши раиси Акмал Умаралиев маъруза қилди. Партиянинг амалий Ҳаракатлар дастурида белгиланган вазифаларнинг 2024 йилдаги ижроси тахлилий-танқидий кўриб чиқилди.

Депутатлик корпуси ҳамда партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш учун эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтилди. Таъкидландики, ўтган йил давомида партия Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари, шунингдек, партиянинг Сайловолди дастурида акс этган устувор йўналишлардан келиб чиқиб фаолият юритди. Жумладан, партия ишини такомиллаштириш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ўртасида муносабатларни кенгайтириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада жонлантиришга урғу берилди. Шунингдек, халқ билан мулоқот самарадорлигига эришиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумотларга кўра, ўтган йили Тошкент вилоятида партиямиздан сайланган депутатлар Ҳаракатлар дастурида белгиланган вазифалар бўйича 53 та масалани ўрганишга муваффақ бўлган. Уларнинг 47 таси доимий комиссия, 43 таси эса сессияларда кўриб чиқилган. Ҳар бир масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси назоратга олинган. Ҳаракатлар дастуридан ташқари, ҳудуддаги мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида депутатлик гуруҳида 37 масала, доимий комиссияда 43 масала ўрганилди ва 39 масала сессия кун тартибига киритилди. Бундан кўринадики, партия электорати манфаатларига алоқадор камчиликлар Кенгашларда муҳокама қилиниб, бартараф этишга эришилган.

Шу билан бирга, сайловчилардан келган муурожаатлар асосида тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарларига 275 та депутатлик сўрови юборилган. Масалаларнинг аксарияти, яъни, 197 таси ижобий ҳал қилиниб, вақт талаб этиладиганлари ижроси устидан назорат ўрнатилган.

Фаолият танқидий-таҳлил қилингач, масала юзасидан Ижроия кўмита аъзолари ўз фикрларини билдирди. Қайд этилишича, вилоятда самарадорликка эришиш учун янги ташаббус, иштиёқ ва ҳаракат лозим. Бу эса партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Хусусан, партия масъуллари, депутатлар аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориши ва қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиши талаб этилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

МАҚСАД – ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШ

ЮРТИМИЗДА МАВЖУД СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ҲАР БИРИ ЎЗ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ, САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ҲАМДА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЭСА ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АВВАЛО, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ, ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ҒОЯЛАРИ УСТИГА ҚУРГАН. ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ҲАМ БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИЛГАРИ СУРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ ҚАРАТАДИ. АСОСИЙСИ, ҚОНУНЧИЛИККА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШДА ПАРТИЯ ТАШАББУСЛАРИНИ ПАРЛАМЕНТДА ИФОДАЛАЙДИ. ЎТГАН ҲАФТАДАГИ ПАЛАТА МАЖЛИСИДА ҲАМ АЙНИ ШУНДАЙ ҲОЛАТ ҚУЗАТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ БИЛДИРИБ БОРДИ.



ПАРТИЯНИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ АМАЛГА ОШМОҚДА

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сув кодекси лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Аввалроқ мазкур лойиҳа Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам муҳокама қилинган эди.



Аввало айтиш керакки, мазкур лойиҳа партия ташаббусларидан бири бўлиб, 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуридан ўрин олган. Яъни, дастурда партия шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтириши белгиланган. Хусусан, 6-қадамда мамлакатни хавфсиз ва экологик барқарор ҳудудга айлантиришнинг муҳим шартлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун Сув кодексини қабул қилиш таклифи илгари сурилган. Мазкур ҳужжатда сув ресурсларидан фойдаланишда бозор таъминотларини жорий этиш, сув ҳўжалигини тартибга солиш ва молиялаштириш механизмларини белгилаш кераклиги таъкидланган.

Айни пайтда қуйи палатада муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси партия ташаббусининг амалий ифодасидир. Ушбу ҳужжат ҳажм жиҳатдан анча катта бўлиб, унинг устида ишлаш, таклиф ва тавсияларни ўрганиб чиқиш учун анча вақт талаб этилди. Шунга кўра, дастлаб аввалги ўқишда кўзда тутилган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилди.

Лойиҳа моддама-модда муҳокама қилинар экан, депутатлар аниқлаштирувчи саволлар билан мурожаат қилди.

Масалан, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ва соҳил бўйи минтақалари, санитария муҳофазаси зоналари ва санитария-ҳимоя минтақалари ўлчамлари билан боғлиқ масала қандай тартибга солиниши ҳақида савол берилди.

Ташаббускорларга кўра, аввал бу бо-радаги меъёрлар қонуности ҳужжатлар

билан тартибга солинган. Мазкур масаланинг қонун даражасига олиб чиқилишига сабаб қурилиш ишларини амалга оширишда белгиланган талабларга қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Фракция аъзоси Анвархон Темиров сувни асраш, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласи бугун давлат сиёсатининг ижтимоий соҳадаги муҳим ва асосий йўналишларидан бири ҳисобланишини таъкидлади. Депутатга кўра, ХДПнинг Сайловолди дастурида ҳам ҳудудларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлиги, айниқса, тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари бўйича алоҳида мақсад ва вазифалар белгиланган. Шунингдек, депутат лойиҳанинг ижобий имкониятлари билан бир қаторда, тўлдирилиши, эътибор берилиши зарур жиҳатлари ҳақида фикрларини айтиб ўтди.

Таъкидланишича, сув объектлари ва ҳавзаларининг муҳофаза зонасидан қандай ҳолатда фойдаланиш мумкин. Лекин қурилиш билан боғлиқ ҳолатда қатъий талаблар белгиланади. Мисол учун, қурилиш соҳил бўйлаб 4-5 метр масофада жойлашган бўлиши ва у ерда каналнинг сув ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб энг минимал йўлак қолиши зарур. Агар вақтинчалик, енгил конструкция асосида қурилган объектлар бўлса, унинг жойлашуви мезонлар асосида кўриб чиқилади. Қурилиши тақиқланган зонага тушган объектлар давлат эҳтиёжлари учун олин-надиган ер сифатида қайд этилади ва мулкий зарар қоплаб берилади. Бироқ хавф туғдирувчи ҳар қандай объект бар-тараф этилади.

Қонун лойиҳаси қуйи палата мажлисида атрофчида кўриб чиқилиб, иккинчи ўқишда маъқулланди.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ва эндемик бўқоқ касаллигининг олдини олиш борасидаги ишлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли орасида эндемик бўқоқдан касалланиш кўрсаткичларини камайтириш ва ош тузини йодлаш бўйича талабларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.



Қуйи палатада кўриб чиқилган яна бир қонун лойиҳаси мазкур масалаларнинг қонуний ечимига қаратилган. Яъни, мажлисда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси билан боғлиқ қонунчиликка бир қатор ўзгартiriшлар киритиш масаласи муҳокама қилинди.

Унга кўра, аҳоли орасида эндемик бўқоқ касаллигининг олдини олиш мақсадида профилактика тадбирларини тўлақонли амалга ошириш, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган сифатли ҳамда хавфсиз ош тузи билан тўлиқ таъминлаш назарда тутилган. Шунингдек, болалар, ўсмирлар ва репродуктив ёшдаги аёллар орасида йод танқислиги натижасида келиб чиқадиغان касалликлар профилактикасини талаб даражасида ташкил этишни назарда тутувчи ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш масалалари қамраб олинган.

Муҳокамалар чоғида депутатлар бир қатор саволлар билан масъулларга мурожаат қилди. Хусусан, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Зокиржон Зоҳидов мамлакатимизда йод маҳсулоти билан таъминланганлик даражаси қандай назорат қилинаётгани билан қизиқди. Депутат ҳудудларда йод танқислиги (айниқса, аёллар ва болалар) даражаси ортиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Мутахассислар ушбу масалани ўрганиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида аҳоли саломатлигини мониторинг қилиш маркази ташкил этилаётганини билдирди. Маз-

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТЛАРИ ҲАШОРАТЛАРСИЗ ҲАРАКАТЛАНИШГА МАЖБУР

Қуйи палатадаги мажлисда яна бир қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди. Баҳс-мунозаралар, таклифлар асосида лойиҳа биринчи ўқишда тасдиқланди.

Гап шундаки, транспорт хизмати кўрсатиши ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль, темир йўл, дарё транспортларида йўловчи ва юкларни ташишга қўйиладиغان талабларга риоя қилишда масъулиятни ошириш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, қонунбузарларга нисбатан таъсир чораларини белгилаш, ташувчилар фаолияти учун рақобат муҳитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш, қонунчилик базасини мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

10 га яқин модда ва шунга мос равишда қатор меъёрлар таклиф этилаётган лойиҳада Транспорт назорати инспекциясига қўшимча вазифа ҳамда ваколатлар юклаш ҳам назарда тутилган.

Масалан, автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш юклатилмоқда.

Бундан ташқари, Транспорт назорати инспекциясига ўз вазифаларини амалга ошириш учун автомобилда юк ва йўловчи ташиш, темир йўл, ички сув ва шаҳар электр транспорти ҳамда йўл ҳўжалиги соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколати берилиши қайд этилган.

Депутат ушбу меъёрлар юзасидан тушунтириш сўради. Яъни, инспекция юкламаси ортиши, унга қўшимча ваколатлар берилишидан мақсад нима экани, буларнинг натижасида аҳоли қанчалар манфаатдор бўлиши кутилаётганига оид савол берилди.

Ташаббускорларга кўра, бу аввало ташиш хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Мисол учун, темир йўлда ташиш хизматиға нисбатан эътирозлар кўп. Хусусан, поезд вагонларида иситиш ёки совутиш тизими ишламаслиги, тозалик билан боғлиқ камчиликлар, турли ҳашоратлар борлиги ҳақида мурожаатлар бўлган. Ташувчи бу масалаларни барта-

кур тузилма ҳудудларда аҳоли саломатлиги даражасини аниқлашга қаратилган амалий тадбирларни ташкил қилишга масъул бўлади.

Фракциянинг яна бир аъзоси, депутат Сайёра Имомова озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, фуқаролар орасида йод танқислигининг олдини олишга қаратилган амалий ишларни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади. Мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қайд этилдики, фуқаролар саломатлиги, айниқса, соғлом авлодни шакллантириш масалалари ҳар бир демократик давлат ва жамиятга бирдек хос тенденция ҳисобланади. ХДПнинг асосий ва муҳим йўналишлари айнан аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ бўлиб, бунда турли соҳалар қамраб олинган. Жўмладан, мамлакатда ош тузи ишлаб чиқаришга қўйиладиغان талабларни кучайтириш, йодлаштирилмаган ош тузини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан жазо чораларини қўллаш ташаббуси илгари сурилган. Йод танқислиги сабабли келиб чиқадиغان касалликлардан аҳолини ҳимоялаш борасидаги ўзгаришлар муҳим. Айниқса, бу Орол денгизининг қуриши натижасида йод етишмовчилиги кузатилаётган Қорақалпоғистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

Депутатлар бугунги экологик вазиятни ҳисобга олиб, барчага бирдек манфаатли бўладиган таклифларни билдирди. Лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

раф қилингани ҳақида маълумот тақдим этган, аммо инспекция бу бўйича ҳеч бир таъсир чорасини кўра олмаган.

Назоратчи орган сифатида эса инспекция шу ва бошқа муаммоларнинг олдини олишга масъул ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, йўловчилар ҳамда юкларни хавфсиз ташишни таъминлаш учун қонуний асосга эҳтиёж бор.

Транспортда ташувлар соҳасини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари шунини кўрсатадики, йўловчи ва юк ташиш қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўйган ташувчи ва ҳайдовчига таъсирчан чора кўрилиши келгусида йўналиш талаблари ва тарифларига амал қилинишига, ҳайдовчиларнинг масъулияти ошишига, йўл транспорт ҳодисаларининг камайишига олиб келган.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди.

Шунингдек, қурилиш майдонларида чанг ва қум зарраларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этиш бўйича мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартiriш киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида депутат Шокиржон Аҳмедов сўнгги пайтларда уй-жой қуриш тенденцияси “авж” олгани, бунда техник параметрларга, хусусан, тозалик, қурилиш асбоблари техника хавфсизлиги меъёрларига амал қилинмаётганидан хавотирда эканини билдирди. Бунинг натижасида, қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузганлиги учун қурилиш ташкилотлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилаш зарурати юзага келаётганига ургу берди.

Депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, ташаббускорлар таклиф этаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари аввало, инсонларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга, турмуш сифатини оширишга қаратилиши зарур эканини таъкидлади. Лойиҳа концептуал жиҳатдан маъқулланди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ХОДИМИ СИЗНИ ДИҚҚАТ БИЛАН ЭШИТИШИ ШАРТ

Унга кўра, Миллий гвардия органи ҳарбий хизматчиси (ходими) фуқарога мурожаат этганида қандай талабларга риоя этиши билан боғлиқ меъёр ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятига оид қонунчиликка мувофиқлаштирилган. Яъни, фуқарога мурожаат қилган ходим ёки хизматчи ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исмини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Шунингдек, фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда, бундай чоралар қўлланилишининг са-

бабини ҳамда асосларини, фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиغان ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириши шарт.

Бу тартиб Миллий гвардия органи ҳарбий хизматчиси (ходими) ўзига фуқаро мурожаат этган тақдирда ҳам амал қилади. Шунга қўшимча равишда фуқарони диққат билан эшитиши, ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар кўриши ёхуд қўйилган масалани ҳал этиш кимнинг ваколатига киришини тушунтириши ҳам талаб этилади.

Депутатлар олиб ташланган меъёр ва моддалар ҳамда қўшимча сифатида таклиф этилаётган ўзгаришларни муҳокама қилди. Лойиҳа иккинчи ўқишда маъқулланди.

ХДП ФАОЛЛАРИ ХУДУДЛАРДА



Ҳақиқий ҳаёт ўзи қандай? Шаҳар ва қишлоқлардаги реал манзарага назар ташласак, нимани кўрамыз? Одамларнинг кайфияти-чи? Чекка ҳудудлардаги аҳолининг юрагига қўл солсак, уларнинг кўнглидан қандай гаплар, орзу-мақсадлар сизиб чиқади?

Бунга қандай эришилади ўзи? Сайловчиларнинг ўй-хаёллари кабинетда ўтириб эмас, жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўз кўзи билан кўрмагунча ойдинлашмайди. Бир, икки мурожаат билан муаммолар ҳақида хулоса ҳам қилиб бўлмайди. Бежизга мамлакат миқёсида ҳам халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дард-у ташвишини, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича тизим яратилмади, ахир. Тўғри, бугун ҳудудларимизда янгиликлар кўп, ўзгаришлар катта. Аммо одамларимизни ўйлантираётган, ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Шунинг учун ЎзХДП Марказий Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ҳудудларда ўрганишлар, назорат-таҳлил ишларини олиб бориб, депутатлик назоратини ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Унга кўра, камбағалликни қисқарттириш, бандликни таъминлаш, инвестицияларни жалб этиш, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, пенсия тайинлаш жараёнидаги масалалар, таълимни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш ҳолати, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда субсидияларнинг ажратилиши бўйича амалга оширилган ишлар ўрганилиши кўзда тутилган эди. Бу албатта яхши механизм, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши вакиллари аҳоли муаммоларини таҳлил қилиш ва уларга самарали ечимлар таклиф этиш мақсадида Бухоро вилоятида ўрганишлар олиб борди. Фаолларимизнинг айтишига қараганда, бевосита мулоқот, юзма-юз учрашувларнинг таъсир кучи янада кўпроқ бўлди, сезиларли натижалар кўзга ташланаяпти. Чунки жонли суҳбатлар давомида мурожаатга, қоғозларга сиғма қолган тафсилотлар ойдинлашмоқда. Масалалар бўйича янги ва қўшимча маълумотлар юзага чиқмоқда.

Хўш, натижалар, хулоса ва таклифлар ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Ишчи гуруҳи таркибда вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини ўрганган, муаммоларни ўз кўзи билан кўрган партиямиз фаоллари ушбу саволимизга жавоб беришди:

ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН 125 ТА УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИДА ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ВА ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ 11 ТА ТУМАН ВА 2 ТА ШАҲРИДА ЎРГАНИШЛАР ЎТКАЗДИЛАР. АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН 125 ТА УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, УЛАРДА 3 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД КИШИ ҚАМРАБ ОЛИНДИ.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва партияларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари билан ҳам мулоқот қилинди. Жамиятда маҳаллий Кенгашлар ва партия ролини янада кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича фикрлар олинди.

Ўрганишларда партиянинг сиёсий мафкураси ҳамда электрот манфаатидан келиб чиқиб, туман, шаҳар ва маҳаллагача тушилган ҳолда ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, пенсия тайинлаш жараёнидаги масалалар, инклюзив таълимни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш ҳолатига алоҳида ургу берилди.

Учрашув ва мулоқотлар давомида “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” Давлат дастури лойиҳасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг аҳамияти етказилди. Шунингдек, партиянинг Сайловолди

дастуридаги масалаларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик хабардор қилинди, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Давлат дастури лойиҳаси бўйича электрот фикри ва таклифлари олинди.

Шунингдек, учрашувларда партия фракцияси аъзолари томонидан жойларда ислохотлар бориши ҳолатининг ўрганилиши партия Сайловолди дастури амалда бажарилишининг ифодаси бўлаётганлиги, партия ташкилотларининг раҳбарлари фаоллиги ошиб, электрот олдидаги масъулиятини теран ҳис қилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Давлат дастури кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши жамият ва давлат ҳаётига дахлдор муҳим масалаларни ҳал этиш борасида халқимиз билан келишилаётгани демократик ёндашув сифатида баҳоланиб, ушбу ҳужжатнинг халқчиллигини таъминлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

НАЗОРАТ ВА

ҲУҚУҚЛАР БОР, ЛЕКИН УЛАРНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ЕТАРЛИ ЭМАС

Аброр ҚУРБОНОВ,

ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Ўтган давр мобайнида ногиронлиги бўлган инсонларни бошқа фуқаролар билан тенг равишда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароитлар яратилди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик янада такомиллаштирилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар билан яқиндан ишлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни маданий ва спорт тадбирларида иштирок этишлари учун шароитлар яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқдир.

Аммо шунга қарамай, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида Бухоро вилоятида эътибор марказидан четда қолаётган бир қатор муаммолар борлигидан кўз юмолмаймиз.

Масалан, энг катта муаммолардан бири бу вилоятда ногиронлиги бўлган шахслар учун реабилитация маркази мавжуд эмаслигида. Ҳаттоки, вилоятдаги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ва бошқа даволаш-профилактика муассасаларида ногиронлиги бўлган шахсларни мақсадли реабилитация қилишга ихтисослашган бўлимлар ҳам йўқ.

Маълум бўлдики, ҳозир вилоятида 54 713 нафар ногиронлиги бўлган инсонлар бор. Шундан деярли тенг ярми реабилитация потенциал юқори бўлган шахсларни ташкил этади. Лекин, вилоятда реабилитация тизими мавжуд бўлмаганлиги сабабли, 11021 нафар ногиронлиги бўлган шахслар кўриқдан ўтказилиб, бошқа вилоятларга юборилиб, шулардан бор-йўғи 216 нафари тўлиқ реабилитация ва 248 нафари қисман реабилитация қилинган, холос.

Бундан ташқари, вилоят инфратузилмаси ногиронлиги бўлган шахслар учун тўлиқ мослаштирил-

маган. Ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш вақтида барча объектларда кўзи оғизлар учун тактил йўлаклар йўқлиги маълум бўлди. Кўпгина объектларнинг кириш қисмида тўсиқлар мавжуд ёки эшиклар тор ва тор пандуслар ногиронлар арава-часидан фойдаланадиган одамларнинг бино ичига киришига имкон бермаслиги, кўпгина маданий объектлар, меҳмонхоналар ва диний мажмуаларда пандуслар, тактил йўлаклар, лифтлар ва мослаштирилган ҳожатхоналар йўқлиги, автотураргоҳларда ногиронлар учун махсус жойлар етишмаслиги, кириш жойлари кўпинча зинапоёлардан иборат бўлиб, ногиронлар аравачасида ҳаракатланишни қийинлаштираётгани маълум бўлди.

Биз муаммоларни шунчаки, ўз ҳолига ташлаб қўймоқчи эмасмиз. Ушбу масала электротимиз манфаатлари билан боғлиқ, бунга бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ. Вилоятда ўрганилган муаммолардан келиб чиқиб, партиямиз ишчи гуруҳи томонидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди.

Аввало, партиямиз фракцияси томонидан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш масаласини ҳар томонлама ўрганиш ва ўрганиш якунларини фракция мажлисида соҳа вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш белгиланди. Вилоят инфратузилмасини ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштириш масаласини маҳаллий Кенгашлар сессияларида масъул ташкилотлар иштирокида кўриб чиқиш ва тегишли қарорни қабул қилиш режалаштирилди. Сессия қарори ижроси устидан партия томонидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Бундан ташқари, вилоятда ногиронлиги бўлган шахслар учун ташкил этилган Мўрувват уйлари-нинг модий-техник базасини янада яхшилаш масаласини ҳам сессияларда муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.



ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИГА ДОИР МАЪЛУМ БИР ЭЪТИРОЗЛАР БЎЛДИ...

Мавжуда ҲАСАНОВА,

ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Яхши ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Ҳаётнинг талаби эса ўз устимизда ишлаш, муаммоли ҳолатларни ҳал этишдан, ишимизни янги даражага кўтаришдан иборат.

Жойларда одамлар бугун партияларни яхши танийди, ҳар бирининг мақсад-вазифасини яхши билади, деб айтолмаймиз. Ҳозир ҳаёт баландпарвоз гапларни қабул қилмайди. Қуруқ рақамлар билан фақат ўзимизнигина алдашимиз мумкин. Қачонки, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзара, асл ҳолат ўрганилиб, муаммо юзга чиқсагина мутасадди ташкилотларнинг масъулияти, ҳисобдорлиги ҳам ошади. Шу мақсадда ишчи гуруҳимиз Бухоро вилояти-

нинг барча туманларида назорат-таҳлил ишларини олиб борди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатида вилоятда 260 590 нафар пенсия олувчи сифатида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларида ҳисобда туради. Уларнинг 213 128 нафари ёшга доир пенсия, 35 439 нафари ногиронлик пенсияси, 12 023 нафари боқувчисини йўқотганлик нафақасини олади. Вилоятда пенсия олувчиларга жами 81 нафар ходим хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ўрганишлар давомида ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар аниқланди. 2024 йил давомида 648 та ҳолатда 958,9 млн. сўмлик қонун ва тартиб бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, ҳозирда ундириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Бундан ташқари, 32 ҳолатда 44,8 млн сўмлик ўзлаштириш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари иш олиб бормоқда.



АМАЛИЙ ЁРДАМ

2024 йилнинг декабрь ҳолатига бюджет ташкилотларининг ижтимоий солиқ қарздорлиги вилоят бўйича 58 та ташкилотда 1156,0 млн. сўмни ташкил қилмоқда. Ушбу масалада кўрилган чоралар натижасида 2025 йилнинг 1 январь ҳолатига бюджет ташкилотларининг 849,1 млн. сўм ижтимоий солиқ қарздорлиги бартараф этилган.

Биз маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бирга вилоятнинг Олот ва Қорақўл туманларида ҳам бўлдик.

Биламизки, пенсия тизимини кенг қўламли ислоҳ қилиш, шу жумладан, пенсия тайинлаш шартларини қайта кўриб

чиқиш, тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли қамровини ошириш масалалари анчайин долзарб экани сир эмас. Бугунги кунда аҳоли ўртасида пенсия таъминоти билан боғлиқ эътирозлар, айрим ҳолларда норозилик мазмунидagi мурожаатлар ҳам учраб туради. Бу эса ўз-ўзидан давлат томонидан кафолатланган пенсия ва нафақа микдорларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Мақсад шуки, пенсияонерларнинг ҳаёт даражаси янада яхшилансин ва уларнинг ижтимоий фаоллиги ошсин, ҳеч бир инсон росмана эътибор-уғамхўрликдан четда қолмасин.

Дастурий мақсадларимизга ҳамоҳанг ва бевосита электоратимиз манфаатлари билан боғлиқ бўлгани учун пенсия тайинлаш борасидаги ишлар ҳолатини Қорақўл тумани мисолида ўргандик. Туманда бу борада эътибор берилиши зарур бўлган бир қатор масалалар борлиги маълум бўлди. Туман пенсия бўлимида фуқароларга пенсия тайинлашда тўлиқ ҳужжатлар электрон тизимга ўтмаганлиги сабаб, пенсия тайинлашда қийинчиликлар бўлмоқда.

Фермер хўжалигида ишлаган фуқароларнинг иш ҳақи тўлиқ электрон тизимга тушмаганлиги, вақтида фермер хўжалиги

томонидан маблағ тушириб берилмаганлиги пенсия тайинлашда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, архив материаллари тўлиқ рақамлашмаганлиги пенсияга чиқишда бир қатор тўсиқларни келтириб чиқармоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари тўлиқ рақамлашган. Бу кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлиги ва аниқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга жуда катта мадад бўлиб, халқимизда ислохотлардан розилик ҳиссини оширишга олиб келади.

ВИЛОЯТДАГИ МАКТАБЛАРДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

Муслиҳиддин НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши ходими, депутат:

– Бухоро вилоятида 577 та умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Шундан 547 таси давлат, 30 таси нодавлат умумтаълим мактаблари ҳисобланади. Ушбу мактабларда 332 842 нафар (169 749 нафари ёки 51 фоизи қизлар) ўқувчилар тахсил олмоқда. Уларга 29 934 нафар (23 094 нафари ёки 77 фоизи аёллар) ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келмоқда.

Вилоятда 2 118 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Шундан 488 таси давлат, 1630 таси нодавлат (21 та хусусий, 108 та ДХШ, 1501 та оилавий) мактабгача таълим муассасаси ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилотларида 131 620 нафар болаларга 11 842 нафар тарбиячи-педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда.

Сўнги уч йилда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълимга қамраб олиниши 73 фоиздан 86 фоизга етказилди. Умумий ўрта таълим мактаблари сони 15 тага, иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар 13 тага кўпайди.

2024 йилнинг ўзида ҳудудий инвестиция дастури доирасида Бухоро вилоятидаги 38 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган.

10 та мактабгача таълим муассасаси, шундан 1 та мактабгача таълим муассасаси янги барпо этилган, 9 таси реконструкция қилинган. Ушбу мақсадлар учун 44,7 млрд.сўм маблағ, бундан ташқари, 1 та ихтисослаштирилган таълим муассасаси қурилиб, бунинг учун 55 млрд.сўм ажратилган.

Шу билан бирга, таълимни ривожлантириш борасида Бухоро вилоятида айрим муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида болани таълимга тайёрлаш ва уни психо-эмоционал ривожланиши учун дидактик ўйинлар билан шўғулланиши учун интерактив доскалар мавжуд эмас. Бунинг ўрнига хоналарда телевизор ўрнатилган бўлиб, кўп ҳолатларда болалар мультфильм томошаси билан вақт ўтказади. Уйин майдончалари мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мос эмас.

Умумтаълим мактабларида физика, кимё, биология ва технология фанларида лаборатория хоналари ва жиҳозлари етишмайди, ҳатто айримларида лаборатория хоналари мавжуд эмас. Муסיқа фанида эса чолғу асбоблари ва улардан фойдалана оладиган педагоглар етарли эмас.

Мисол учун, Когон тумани мисолида оладиган бўлсақ, мавжуд 25 та мактабнинг физика лаборатория хоналари жиҳозланганлик даражаси 41 фоизни, кимё лаборатория хоналарининг жиҳозланганлик ҳолати ўртача 36,8 фоизни, биология лаборатория хоналари жиҳозланганлик даражаси 28,4 фоизни ташкил қилади. Ҳудуддаги 22- ва 24-умумтаълим мактабларида физика лаборатория хонаси, 2-, 23- ва 24-мактабларда кимё лаборатория хонаси, 2-, 6-, 8-, 12-, 14-, 15-, 19-, 20-, 24-мактаблар ҳамда 1- ва 5-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида биология хонаси мавжуд эмас.

Инвестиция дастури орқали умумтаълим мактабларида амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш ишларида шахарсозлик меъёрлари ва қурилиш стандарт талабларига эътибор қаратилмаган. Бу, ўз навбатида, бинонинг ўзида мўлжалланган стандартларга ва қурилиш материалларига риоя қилинмаслигига олиб келган.

Бундан ташқари, мактаблардаги коммуникация воситалари, иситиш, совутиш, ёритиш тизимларининг ишлашдаги муаммолар кўп ҳолларда соғлом ўқув муҳити яратишга тўсқинлик қилади. Улар учун аниқ шартлар мавжуд бўлса-да, баъзан ушбу тизимлар етарли даражада мукамал эмас.

Ишчи гуруҳи назорат-таҳлил ишларини Олот туманида ҳам ўтказди. Тумандаги 8, 5, 24-умумтаълим мактабларининг фаолияти билан танишдик. 8-умумтаълим мактабида 230 нафар ўқувчи тахсил олмоқда, 1 нафар бола уйда ўқитилади. Таълим муассасасида ўқувчилар учун мажлислари зали, технология ўқув хонаси (тикув машина, дурадгорлар учун дасгоҳлар) йўқлиги, электрон доска, хоналар етишмаслиги, (тиббийёт хонаси) ўқувчилар учун ошхона ҳам йўқ экан.

“Нуробод” маҳалласидаги 5-умумтаълим мактабини кўздан кечирганимизда бино жуда эски, моддий-техника базаси ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолгани маълум бўлди. Спорт зал ҳам таъмирталаб. Мактаб ўқувчиларининг ҳамда ўша ҳудудда яшовчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шўғулланиши ва маҳалладаги ёшларнинг вақтларини китобхонлик ҳамда спорт билан ўтказишлари учун мактаб биносини капитал таъмирлаш кераклиги бўйича тақлифлар берилди.

Ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш вазифаси олдимизда турган экан, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, ўқувчилар учун барча шароитларни яратиш масаласини энг олдинги ўринларга қўйишимиз керак. Бусиз мақсадга эришиб бўлмайди.



Ирина КОТОВА,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Аслида, камбағалликка барҳам бериш жуда катта қамровга эга бўлган масала ҳисобланади. Бунда қимгадир ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга, инвестиция йўналиштириш, бандлик билан боғлиқ барча муаммоларни ечиш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳи аҳолининг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш масалалари, меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш, 2024 йилда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини ўрганди.

Фикрларимизни Олот тумани мисолида давом эттирамиз. 2025 йилда дастурда белгиланган чора-тадбирлар орқали туманда 736 та оилани, 3370 нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш режалаштирилди.

Хусусан, 243 нафар тадбиркорларга имтиёз бериш орқали (саноат, савдо, тўқимачилик, умумий овқатланиш, паррандачилик, касаначилик, электро-техника, транспорт) камбағал оила аъзолари ишга жойлаштирилади. 329 нафарини тадбиркорликка жалб этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш белгиланди. 29 нафар электоратимиз вакилларини

» **ФИКРЛАРИМИЗНИ ОЛОТ ТУМАНИ МИСОЛИДА ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ. 2025 ЙИЛДА ДАСТУРДА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ОРҚАЛИ ТУМАНДА 736 ТА ОИЛАНИ, 3370 НАФАР АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИҚДАН ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ.**

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

2022 йилдан бошлаб мамлакатимизда камбағалликни қисқартiriш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудларда камбағаллик даражасини қисқартiriш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳолини касбга ўқитиш тизimini такомиллаштириш ҳамда муҳтож қатламни манзилли қўллаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракат сифатида белгиланди.

Одамларга ёппасига кредит бериш ёки пул тарқатиш билан камбағалликни енгиб бўлмаслигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Аксарият камбағал оилаларда меҳнатга лаёқатли инсонларимиз бор. Улар ишга жойлашса, бу ўз-ўзидан оилалар даромади ошишига хизмат қилади. Шу тариқа оила камбағалчиликдан чиқади.

Мазкур йўналишдаги ислохотлар, уларнинг самарасига ҳам узоқ тўхталиш мумкин, аммо мақсадимиз бу эмас... Биз Бухоро вилоятидаги ҳақиқий ҳолатга назар ташлаймиз. Камбағалликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва уларнинг натижаларига тўхталамиз.

драйвер лойиҳаларини амалга ошириш орқали, 39 нафари касб-ҳунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш ҳамда 478 нафари бошқа хизматлар кўрсатиш орқали камбағалликдан чиқарилади.

Мисол учун, “Солақоровул” маҳалласида яшовчи, камбағал оила рўйхатида турувчи боқувчисини йўқотган фуқаро Наврўзова Моҳидил маҳалладаги 10-сон мактабгача таълим ташкилотига ёрдамчи тарбиячи вазифасига ишга жойлаштирилиб, даромад манбаи яратилди.

Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Жўрабек Абдурасулов билан бирга туманидаги Нуробод маҳалласида камбағалликни қисқартiriш бўйича олиб борилаётган ишларни ўргандик. Маълум бўлишича, Нуробод маҳалласида ҳозирги кунда 17 та оила камбағал оила ҳисобланади. Бу оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси бўйича тақлиф ва тавсиялар бердик.

Рақамлардан кўриниб турибдики, жойларда ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Тўғри, улар баъзида аччиқ, аммо рўй-рост сўзлар. Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол, аниқ кўринади.

Аввало, депутат назорат ўрнатаётган масалани чуқур ўрганиши, ҳудуддаги факт ва рақамларни таҳлил қилиш учун эса барча йўналишдаги иқтисодий кўрсаткичлардан бохабар бўлиши талаб этилади. Ўрганилган муаммоларнинг сессияларда муҳокама этилиши масаланинг илдизига янада чуқурроқ етиб бориш, уларни бартараф этишга қаратилган тақлифларнинг кўпайишига хизмат қилади. Бу кўзга кўринмас тўсиқларнинг олиб ташланишига, мутасаддиларнинг эътибор марказидан четда қолиб кетаётган муаммоларнинг сув юзига қалқиб чиқиб, бартараф этилишига йўл очади, деган умиддамиз. Партияимизнинг ушбу ташаббусидан кўзланган мақсад ҳам аслида шу. Бу орқали маҳаллий Кенгашга амалий ёрдам килиш, барча даражадаги партия ташкилотлари ишини жонлантириш ҳам кўзда тутилганини таъкидлаш жоиз.

Қўш саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ФРИЛАНС, МАСОФАВИЙ ИШ: ОДАМЛАР ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ ВА ҚАЙСИ ВАҚТДА ИШЛАШИ МУҲИМ ЭМАС...

– Автохалокатдан сўнг ҳаётга қайтганимнинг ўзи мўъжиза эди. 2 мартаба жаррохлик амалиёти ўтказилди, – дейди қаҳрамонимиз. – Ўша пайтлари жуда қаттиқ руҳий зўриқишлар гирдобиди юрганман. Кўз олдимга фарзандларим келарди, оилам, тирикчилик келарди. Соғайиш пайтида 6 ой уйда интернетда вақт ўтказдим. Аммо ўйин ўйнамасдим, интернетдан фақат фойда кўзлардим, нажот излардим. Видеолар орқали ким, нима касб билан шуғулланаётганини кўрардим. Шундай пайтлари дунёнинг энг зўр соҳаси IT соҳаси эканлигига амин бўлдим. Шундан сўнг менда ҳам ушбу соҳага қизиқиш пайдо бўла бошлади. Ўз олдимга мен ҳам буни ўрганаман, буни эплайман, деган мақсадни қўйдим.

Бу соҳа менга бегона эди, ҳаммасини нолдан, кунт билан ўргана бошладим. Шу тарика фрилансерлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Ўзим ишларимни электрон шаклда сотишни бошладим. Ҳозир дастурлаш ишларини бажаряпман, масофавий дарс ўтяпман. Оилавий шу иш билан шуғулланамиз. Аёлим веб-дизайнер бўлиб ишляпти, фарзандларимга соҳанинг сир-асрорларини ўргатяпман.

Ёшларга доимо маслаҳатим қайси касб эгаси бўлишдан қатъий назар дастурлашга ўқиши керак, чунки дастурлаш одамни фикрлашга ўргатади!

Бахтиёр акадан ойлик даромади ҳақида сўрадик. Айтишича, ҳозир бир ойда 1500 доллардан 2500 долларгача даромад оляпти. Демак, масофавий бандлик ва фриланснинг афзаллигини шу инсон мисолида ҳам кўриш мумкин. Бахтиёр аканинг ижтимоий тармоқлардаги аккаунтида ёзилган бир жумла эътиборимизни тортди: “Яша, бўш вақтингда ишла!”. Бу фикрнинг ўзи ҳам масофавий ишлашнинг қулайлигини ифода этмоқда, десак адашмаймиз!

Сўнгги йилларда меҳнат дунёсида мисли кўрилмаган ўзгаришлар бўлди. Рақамли технологияларнинг ривожланиши билан масофадан ишлаш ва фриланс мутахассисларга йўл очди. Яъни, одамлар қаерда, қандай ва қайси вақтда ишлаши мумкин эмас. Бандлик ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш ўртасидаги чегара ҳам аниқ эмас. Яъни, билими бор инсоннинг шахсий компьюттери, интернет тармоғи яхши бўлса, у уйда ўтириб пул ишлаш имкониятига эга. Содда тилда айтганда, бу электрон бозор, унда инсон ақлий меҳнат салоҳиятини сотади.

Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам пандемия туфайли меҳнат муносабатларида масофавий бандлик ва фриланс кенг қўлланилди. Бу жамоатчиликнинг иш ва иш жойи ҳақидаги тушунчалари ҳамда қарашларини тубдан ўзгартирди. Мутахассисларнинг айтишича, иқтисодиётнинг бугунги ривожланиш босқичида бандлик билан боғлиқ муаммони, янги бандликнинг илғор шакли – масофадан туриб ишлаш орқали ҳал этиш мумкин.

Мулоҳазаларимизни давом эттиришдан олдин бу тушунчалар моҳиятига тўхталиб ўтсак.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида бандлик муаммоларини ҳал этишда бандликнинг янги шакли, яъни, масофадан туриб ишлашга қизиқиш анча кучайган. Ҳозир замонавий ахборот технологияларининг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган ёшлар орасида интернетда ишлаш, масофадан туриб ишлаш ёки фриланслик билан шуғулланаётганлар жуда кўп. Вақт, чегара ва жой факторларини инкор қиладиган ноанъанавий ишлаш усулидан яхшигина даромад топаётганлар ҳам кам эмас.

Фрилансер қайси жойда туришидан қатъий назар буюртма олиб масофавий тарзда ишлайди. Бу фақат битта йўналишни қамраб олмайди. Яъни, айтмоқчимизки, бу фақат дастурчилик эмас, таржимонлик, дизайнерлик ҳам қилиш мумкин.

Маълумотларга кўра, ҳозир жаҳонда 1 миллиарддан ортиқ фрилансер фаолият олиб боради. Уларнинг 86 фоизи ўз уйида туриб ишлайди. 60 фоиздан ортиғи эса икки ёки уч соҳага ихтисослашган. Уларнинг 36 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Ҳатто, хориж нашрлари 2030 йлга бориб, биргина фрилансерлар глобал ишчи кучининг 80 фоизини ташкил этишини башорат қиляпти.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ

Иш билан бандликнинг фриланс ва масофавий иш билан бандлик каби замонавий шакллари чегаралар ва узоқ масофалар билан чекланмаслиги билан эътиборга молик, албатта. Шу маънода айтиладиган бўлсак, ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлانган меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам одамлар учун

БУГУН СИРДАРЕДА БАХТИЁР ДУШАЕВНИ КЎПЧИЛИК ТАНИЙДИ. ҚАҲРАМОНИМИЗ КҲНДУЗИ МЕБЕЛСОЗЛИК, КЕЧҚУРУН НОВВОЙЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИБ КЕЛГАН. 2016 ЙИЛ ТУНДА ИШДАН ҚАЙТАЁТГАН ҚАҲРАМОНИМИЗ БАХТСИЗ ҲОДИСАГА УЧРАГАН.



қўшимча имкониятларни очди. Бугун нафақат компания офиси, балки минтақа, ҳатто республика ташқарисида туриб ҳам ишлашга ҳеч нарса монелик қилмайди. Киши бўш вақтини ва иш вақтини ўзи белгилай олади.

Ўзбекистонда мазкур соҳада фаолият юритиш истагини билдираётганлар сони ошиб бормоқда. Тахлилчиларнинг айтишига қараганда, Ўзбекистонда интернет инфратузилмаси ва аҳолининг рақамли саводхонлиги яхшиланар экан, бу тенденция тобора кучаяди. Борган сари кўпроқ компаниялар масофавий иш ўринларини тақлиф қила бошладилар, бу айниқса жисмоний офисларга қатнаш имконияти чекланган ҳудудларда яшовчилар учун фойдалидир.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Мамлакатимизда фрилансерлар ўзини ўзи банд қилган инсонлар қаторига киритилади. Интернет орқали миқозларга ўз маҳсулоти ёки хизматларини тақлиф этиш эвазига даромад топиш уларнинг асосий йўналиши.

Шунга мувофиқ, ҳукумат томонидан фриланс бозори фаолиятини фаоллаштириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар (фрилансерлар) нинг ҳуқуқий мақоми ажинда қонунийлаштирилди ва соддалаштирилди. Айни дамда, юртимизда ҳам ушбу юқори даромадли соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилиб келинмоқда. Мисол учун, 2024 йилдан Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлардан сўнг ўзини ўзи банд қилган шахслар 100 млн сўмгача бўлган даромад солиғидан озод этилганлар, 100 млн сўмдан ортиқ даромадга 4 фоизлик ставка белгиланган.

Шунингдек, тегишли қонунчиликка кўра, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун қатор имтиёз ва ҳуқуқлар мавжуд. Қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг 2022—2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида рақамли иқтисодиёт ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириб, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 500 миллион долларга етказиш белгиланган. Замонавий соҳалар ривожини эса рақамли иқтисодиётнинг асосий қисми саналади.

Ушбу саъй-ҳаракатлар беҳизга эмас, албатта. Ҳозир масофавий иш учун етакчи йўналишлардан бири бу IT. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби Ўзбекистон ҳам ахборот технологиялари ривожига таянмоқда. Бу дастурлаш, дизайн, мобиль иловаларни ишлаб чиқиш, киберхавфсизлик ва бошқа тегишли соҳалар мутахассислари учун катта имкониятлар очаётганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Ушбу йўналишнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини мустақамлашга ёрдам беради, чунки мутахассислар мамлакат ичида қолиб, халқроқ компанияларда ишлаган ҳолда пул ишлашлари мумкин. Бу валюта оқимини рағбатлантириб, аҳоли фаровонлигини оширади. Бундан ташқари, иш излаб бошқа мамлакатларга миграция қилиш зарурати камаяди, бу ҳам малакали кадрлар оқимини камайтиради. Ўзбекистонлик IT-фрилансерлар АҚШ, Европа ва Осиё компаниялари билан ҳамкорлик қилиб, жаҳон бозорларида ишлашлари мумкин.

Бугун ёшларимиз уйда ўтириб, интернет орқали дизайнерлик, таржимонлик, дастурлаш, реклама, репетиторлик каби хизматларни кўрсатмоқда. Албатта, масофавий иш ва фрилансерликка самарали ўтиш учун кўникама ва малакалар

муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, албатта, ёшларимиз чет тилларини самарали иш юрита олиш даражасида билиши зарур. Шунингдек, интернет технологи-яларида иш ташкил қилиш учун етарли даражада бўлиши керак. Ўйлашимча, таълим тизимини такомиллаштириш, бунда рақамли саводхонлик ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Онлайн курслар ва таълим платформаларининг пайдо бўлиши ҳам жаҳон меҳнат бозори-да муваффақиятли рақобатлаша оладиган ёш мутахассисларни тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Депутатнинг фикридан кўриниб турибдики, бугун Ўзбекистонда масофавий ишлаш ва фрилансерлиқни ривожлантиришга эътибор нихоятда катта.

Маълум бўлишича, Рақамли техноло-гиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” томонидан фрилансерлик соҳасини кенг тарғиб қилиш мақсадида 25 дан ортиқ муваффақиятга эришган фрилансерларни жалб қилган ҳолда «Фрилансерликка илк қадам» ва «Фрилансерлик бу келажак касби» мавзуларида Ёшлар ишлар агент-лиги ҳамда Оила ва хотин қизлар кўми-таси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 10 дан ортиқ олий таълим муассасалари ва жамоат зал-ларида форумлар ташкил қилинди.

Қолаверса, фрилансерлик соҳаси-ни янада кенг тарғиб қилиш мақсадида Марказ томонидан «infocom.uz» веб-сайти ишга туширилган.

ТЕГИШЛИ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРГА КўРА, ЭНДИЛИКДА МАСОФАДАН ТУРИБ ИШЛОВЧИ ХОДИМ БИЛАН ЁЗМА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ ИШЛАТИЛАДИ. УНДА ХОДИМ ВА ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ, ИШ КҲН РЕЖИМИ, МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАНИШИ ВА ШУ КАБИ ШАРТЛАР БЕЛГИЛАНАДИ.

Бу ишчиларни ҳам, иш берувчиларни ҳам ҳуқуқий ҳимоя қиладди, тушунмовчи-лик ва низолар хавфини камайтиради, меҳнат муносабатларида ишонч даража-сини оширади. Аниқроқ қоидалар замо-навий бозор талабларига мослашишга ёрдам беради ва иш жараёнини ташкил этишда мослашувчанликни таъминлашга хизмат қиладди.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда дунёда фриланс бозори тез суръатлар билан ривожланмоқда. Демак, замона зайлига мос равишда бу бозорга Ўзбе-кистоннинг ҳам кириши муҳим. Чунки, бу нафақат янги иш ўринларини яра-тиш, балки ёшларда дастурлаш, дизайн, маркетинг ва таҳлил каби глобал микёсда талаб қилинадиган кўникмаларни ри-вожлантиришга ёрдам беради. Умуман олганда, ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг рақамли трансформацияси-ни тезлаштиради ва унинг жаҳон иқтисо-диётидаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



ХОНҚАЛИК ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, фуқароларнинг турмуш шароитла-рини ўрганиш, жойлардаги муаммоларни аниқлаш ва бу борада депутат назорати самарадорлигини кучайтириш мақсадида жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтка-зилмоқда.

Куни кеча Хонқа туман Кенгашидаги Ўз-бекистон ХДП гуруҳи аъзоси, Хонқа туман Кенгаши котибият мудири Х.Абдираманов "Дургадик" маҳалласи фуқаролари билан учрашди.

Учрашув чоғида ички йўллارни таъмир-лаш ва ҳудуддаги 49-сон МТТни янгидан қуриш масаласи муҳокама қилинди. Шу-нингдек, сайловчилар 6-сон умумтаълим мактаби олдида светофор ўрнатиш масала-лари юзасидан амалий кўмак сўради.

Билдирилган барча муурожаатларнинг ечими депутат томонидан назоратга олин-ди.

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Рес-публика Кенгаши Ижроия кўмитасининг «Партия депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан ҳудудларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, «бошланғич партия ташкило-ти – депутатлик гуруҳи – сессия» тизими асосида «Шаббоз» ОФЙ ҳудудидаги Ибн Сино МФИда ўрганиш олиб борилди. Аҳоли муурожаатига кўра, «Карвон» аҳоли пункти-га борувчи сув насоси қуввати оқар сувни етказиб бериш қувватига эга эмаслиги аниқланди.

Масала жойига бориб ўрганилгач, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Респуб-лика Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракцияси раҳбари Халилла Ешимбетов то-монидан назоратга олиниб, Беруний тумани сув етказиб бериш хизмати давлат муасса-сасига сўров юбориладиган бўлди.

ЎЗХДП ДЕПУТАТИ БОЙНАЗАР БОБОҚУЛОВ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси-нинг кўплаб лойиҳалари бор. Улар орасида энг самарали ва халққа яқинларидан бири "Депутат маҳаллада" лойиҳаси саналади.

Ушбу лойиҳа доирасида халқ депутат-лари Касби туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси, 4-Ғалаба сайлов округ-гидан сайланган депутат Бойназар Бобоқу-лов сайловчилар билан суҳбат олиб борди. Мулоқот давомида 4 нафар фуқаро мууро-жаат қилган бўлса, улардан 3 нафарининг муаммоси жойида ҳал этилди.

Вақт билан боғлиқ масала юзасидан депутат сўрови юборадиган бўлди.

МУРОЖААТ ЕЧИМИ ОДАМЛАРГА ЕНГИЛЛИК БЕРАДИ

Халқ билан мулоқот давлатимиз сиёса-тининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мақсад фуқаролар муурожаат-ларини тинглаш, уларнинг муаммолари, дард-у ташвишларини ўрганиш ва ваколати доирасида ҳал этиш чорасини кўришдан иборат.

Шу мақсадда Ўзбекистон ХДП Термиз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Г.Шафоатова "Ян-гихаёт" МФЙ жамоатчилик назорати аъзо-лари билан биргалика "Депутат маҳаллада" лойиҳаси доирасида маҳалла фуқаролари-нинг муурожаатларини тинглашди.

Депутат ва маҳалла фаоллари аҳоли муурожаатидан келиб чиқиб, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларни жойига бориб ўрганди. Ўрганишлар якуни билан аҳоли кўтарган масалалар юзасидан туман электр тармоқлари корхонаси бошлигининг маълумоти ешитилди.



СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

Халқ саломатлигини асраш ҳозирги глобал экологик ва иқтисодий инқирозлар шароитида ҳар бир давлат учун стратегик масалалардан бирига айланган. Янги Ўзбекистон учун ҳам, инчунун. Аини чоғда аҳолининг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча қатламига кафолатланган, замонавий тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида бор куч ва имкониятлар сафарбар қилинаётгани, соҳадаги сифат ўзгаришлари марказдан олисдаги чекка ҳудудлар ҳаётида ҳам акс эта бошлагани бунинг яққол далили.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТИМИЗДА
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЖАРАЁН

Соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган бюджет маблағлари йил сайин ошиб бораётганини мана бу рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2024 йилда соҳага 36 триллион сўм йўнатирилган бўлса (бу 2023 йилга нисбатан 25 фоиз кўп), жорий 2025 йилда мазкур кўрсаткич 41 триллион сўмни ташкил қилмоқда. Бунинг ҳисобидан янги шифохоналарни ишга тушириш ва жиҳозлаш, мавжуд қувватларни, профилактика ва тиббий кўрик қамровини кенгайтириш чора-тадбирлари изчиллик ҳамда самарадорлик касб этяпти.

ХИЗМАТ СИФАТИНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш ва хизматлар сифатини оширишга доир таклифлар тақдимоти билан танишди.

Таъкидланганидек, юртимизда ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳаси тубдан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, шифохоналарни илғор тиббий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари тизимли олиб борилаётгани натижасида илгари фақат пойтахтдаги республика тиббиёт марказларида бўлган сўнгги русумдаги компьютер томографи, магнит резонансли томограф, ангиограф сингари технологиялар ҳозир вилоятларда, ўнлаб туманларда ҳам бор. Касалликларни аниқлаш ва даволаш амалиётига замонавий технологияларнинг кенг жорий этилаётгани, соҳанинг бирламчи бўғинида бир эмас, бир неча турдаги скрининг текширувлари йўлга қўйилгани аҳоли ўртасида юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш ва соғлом турмушни қарор топтириш борасида салмоқли ўзгаришларга замин яратяпти. Бинобарин, “Аҳоли саломатлиги-2030” стратегияси лойиҳасига кўра, мамлакатимизда стационар касалликларнинг 80 фоизини туман даражасидаги шифохоналарда бепул даволашга эришиш, асосийси, касалликларни эрта аниқлаш даражасини 70 фоизга етказиш назарда тутилмоқда.

Бу йўлда аллақачон амалий ишлар бошланган. Биргина ўтган йилнинг ўзида юртимиз аҳолисининг 95,5 фоизи тиббий хатловдан ўтказилиб, 6 турдаги оммавий ва селектив скрининг текширувлари амалга оширилди. Шу йўсинда 106 минг кишида қандли диабет, 194 минг нафарида юрак-қон томир касалликлари, 306 минг нафарида семизлик, 2400 нафарида саратон, 833 нафарида онкогематолоик хасталиклар эрта босқичда аниқланди.

Ихтисослашган тиббий хизматда эса диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари 800 тадан ошди. Ҳудудларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш бўйича халққал тизим шаклангани, яъни, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган тиббий бригадалар ташкил этилиб, аҳолига энг яқин бўлган муассасаларни – оилавий поликлиникаларни янги замонавий тиббий аппаратлар билан таъминлаш суръати жадаллашгани –буларнинг бари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Жуда

катта эътибор, куч ва маблағ турибди ортида.

Маълумотларга кўра, илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва диагностика жараёнларини энди маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилган. Бу эса ўз навбатида дардида даво илинжида вақт ва маблағ сарфлаб, пойтахтга ёки хорижга кетаётган юртдошларимиз сони сезиларли даражада қисқаришига олиб келмоқда.

Ўрганишлар шифокорлар томонидан тиббий хулосаларнинг тахминан 70 фоизи лаборатория текшируви маълумотлари асосида қабул қилинишини кўрсатади. Демак, ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика ишларининг такомиллашуви, аввало, бирламчи муассасаларнинг энг илғор ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланишини тақозо қилади

Юқорида келтирилган тақдимотда эса жорий йилда тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун давлат ҳисобидан 200 миллиард сўм ажратилгани, шунингдек, 370 миллион доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилиши мўлжалланаётгани қайд этиб ўтилди. Осиё тараққиёт банкининг 100 миллион доллар маблағи эвазига республикадаги 230 та тўғруқ муассасаси учун 45 турдаги 21 мингта тиббий ускуна ва 6 та реанимобил харид қилиниши, экологик ҳамда ижтимоий ҳолати бироз мураккаб бўлган Қорақалпоғистон ва Хоразмдаги 19 тадан тиббиёт муассасаси юрак-қон томир касалликларини даволовчи 862 та ускуна билан жиҳозланиши маълум қилинди.

Шу ўринда яна бир янгилик. 22 январь куни Президентимизнинг КfW банки (Германия Федератив Республикаси) иштирокидаги “Оролбўйи минтақасида тиббий хизмат сифатини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори қабул қилинди. Оролбўйи минтақасида юрак-қон томир касалликларини даволаш учун шифохоналар инфра-тузилмасини мустаҳкамлаш, бирламчи тиббий муассасаларда бу турдаги касалликларни даволаш хизматларини сифат босқичига чиқаришга қаратилган аниқ манзилли ва мақсадли лойиҳа республикаимизнинг бошқа ҳудудларини ҳам қамраб олса, ажаб эмас. Чунки юрак-қон томир касалликлари бугун юртимиз аҳоли ўртасида энг кенг тарқалган ва ўлимга олиб келиш эҳтимоли юқори бўлган хасталиклардан саналади.

Президентимиз тиббий муассасаларга келтирилаётган замонавий технологиялар билан ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Шифокор ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш, малакали кадрларнинг сафини кенгайтириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу табиий, албатта. Ахир, яширининг ҳождати йўқ, бугунги кунда соғлиқ сақлаш соҳасида ҳудудларда кузатилаётган ва аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммолардан асосийси ҳам айна шифокорликка виждон иши деб қарайдиган, ўз соҳасини пухта эгаллаган, юқори малакали мутахассислар танқислиги билан боғлиқдир.

Шубҳасиз, бу муаммонинг ечими ўлароқ тизимда кўрилаётган чора-тадбирлар ҳудудлардаги тиббий муассасаларда, бирламчи бўғинда тажрибали тор мутахассисларга, айниқса, замонавий ускуналар билан ишлайдиган кадрларга эҳтиёжни камайтиришга хизмат қилади.

учун чекка, оғир туманларга эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлаб келади.

Туманимизда 220 мингга яқин аҳоли яшайди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бирламчи тиббий муассасалар сони 13 та бўлиб, уларда 500 нафардан зиёд шифокор ва малакали ҳамширалар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Мазкур муассасаларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш қамрови эса 95 фоизга етган. Ваҳоланки, саккиз йил олдин мазкур рақам 46 фоиз эди. Мана шунинг ўзиёқ юртимизда тиббий ислохотлар йилдан-йилга юқори босқичга чиқаётганини, бу эса бизнинг туманимиз каби чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли ҳаётини енгиллаштириб, қулайлаштираётганини исботлайди.

Бироқ шу ўринда масаланинг бошқа томони ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги тиббий муассасалар

замонавий қиёфа ва моддий-техник базага эга бўлиб бораётганига қарамай, бирламчи тиббиёт бўғинига одамларимизнинг ишончи, интилиши ҳали юқори даражада эмас. Бундай кайфиятга барҳам бериш учун малакали тиббий хизматни ҳар бир хонадонгача кириб боришини таъминлаш, тиббий профилактика ва патронаж хизматини такомиллаштириш ҳаётий заруратдир.

Бирламчи тиббий хизматнинг давр талабларига мос равишда яхшиланиши ихтисослашган тиббиёт марказлари ва стационларга мурожаатларнинг, тез тиббий ёрдам ва сурункали касалликларга чақирикларнинг сезиларли камайишига олиб келади. Тизимдаги ислохотлардан қутилаётган мақсад ҳам шу аслида. Мана шу эзгу мақсаднинг қадамба-қадам рўёбга чиқиши “Инсон қадри учун” тамойилининг жамиятимиз ҳаётида, хусусан, соғлиқни сақлашда амалий тасдиғини топишидан далолат беради.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ҚОНУННИНГ БИРДАН-БИР
МАНБАИ ВА МУАЛЛИФИ
ТОМ МАЪНОДА ХАЛҚ
БЎЛИШИ ШАРТ

Янги қақриққ олиий мажлис сенатининг биринчи мажлисида давлатимиз раҳбари қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эғалигини алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳаётга татбиқ қилинаётган адолатли қонунларнинг энг қуий бўғинларда самарали ишлаши, инсон қадри, халқ манфаати йўлидаги ислохотларнинг ўз ижросини топиши учун ҳам парламент ҳудудлардаги халқ вакиллари билан кўпроқ иш олиб бориши аини заруратдир.

Президентимизнинг “қонуннинг бирдан бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган даъваткор фикридан келиб чиққан ҳолда, халқ вакиллари бўлган депутатларимиз ва ҳудудлардаги партияимиз фаоллари электорат манфаатлари, ХДП дастурий мақсадларига дахлдор бўлган қонунларга оид ҳақчил ва долзарб таклифларини тахририятга йўлламоқдалар.

Эндиликда “Менда таклиф бор” рукни остида мазкур таклифларни эътиборингиз ҳавола қилиб борамиз. Қўйида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳоама этилаётган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун лойиҳаларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш юзасидан таклифлар билан танишасиз.



Тошқул АБДИЕВ,
халқ депутатлари Навбаҳор
туман Кенгаши депутати:

–Мамлакатимизда халқимизга сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларга узил-кесил барҳам бериш чора-тадбирлари жадал суръат касб этиб бормоқда. Ушбу жараёнга мутаносиб равишда соҳа ривожининг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш – давр тақозоси.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида ўз мулоҳазамни билдирсам.

Қонун лойиҳасига кўра, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Лойиҳанинг 2-моддасида келтирилган “Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги 415–I-сонли Қонунининг 21-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларидан қуйидаги:

“дорихона мудирини олий тиббий ёки олий фармацевтика маълумотига эга бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак” деган жумладан “олий тиббий” деган сўзни олиб ташлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки дори воситалари ва фармацевтик фаолият билан айнан шу йўналишда олий маълумотга эга мутахассис шуғулланиши лозим.

Музаффар ТУРАПОВ,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят
Кенгаши раис ўринбосари:

–Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини давлат рўйхатидан ўтказиш орқали уларга касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан менинг

ҳам асосли таклифларим бор.

Қонун лойиҳасига кўра, 29-модда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси бўлмагани мавжуд бўлмасдан тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқароларга тиббий ёрдам пулли асосда кўрсатилади” мазмунидagi қўшимча билан тўлдирилади.

Таклифим шуки, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилмаган қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлланмаси мавжуд бўлмасдан тўғридан-тўғри мурожаат қилган фуқароларга тиббий ёрдам пулли эмас, аксинча, бепул кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Тасаввур қилинг, поликлиникага оғир аҳволда бемор келтирилди. Унинг қўлида участка шифокорининг йўлланмаси бўлмагани, яъни, йўлланма олиш учун вақти камлик қилган бўлса ёки ўша шифокорни тополмаган бўлса, лекин бемор учун зудлик билан тегишли тиббий ёрдам зарур бир пайтда унга пулли хизмат кўрсатиш камида инсонийлик нуқтаи назаридан ҳам макбул эмас. Бирламчи тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотларда пулли хизмат кўрсатиш аҳолида, айниқса, эҳтиёжманд қатлам вакилларидида эътироз ва норозилик кайфиятини уйғотишини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Шуниси аниқки, қонунчилигимиздаги ҳар бир янгилик, кичик ўзгариш ҳам, аввало, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилиши лозим.

Саҳифани “Ўзбекистон овози” муҳбири
Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади.

ҚАДАМБА-ҚАДАМ



Турсунбой СОЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошлоқ
туман кенгаши раиси:

– Аҳоли саломатлигини асраш мамлакат ижтимоий ҳаётида ҳал қилувчи ва узлуксиз жараён ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ушбу жараёнда энг муҳим вазифа бирламчи бўғинда тиббиёт сифатини ошириш эканини, бунинг

Марказий банк раиси Тимур Ишметов иштирокида Марказий банк бошқаруви йиғилиши натижалари-га бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда асосий ставкани йиллик 13,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тўғрисида ахборот берилди.

Анжуманда, сўнгги ойларда умумий инфляция пасайиб бориши билан бирга иқтисодиётдаги инфляцион омиллар турли йўналишларда шаклланаётгани ҳамда келгуси чоракларда инфляцияга ўтган йилги энергия нархлари эркинлаштирилишининг таъсири камайиб бориши қутилаётганлигига қарамасдан инфляцион қутилмалар юқори даражада сақланиб қолаётганлиги пул-кредит шароитларини нисбатан қатъий даражада сақлаб қолишни тақозо этаётгани таъкидланди.



АСОСИЙ СТАВКА ЙИЛЛИК 13,5 ФОИЗ:

2026 йил охирида 5 ФОИЗЛИК ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТГА ЭРИШИЛАДИ

Шу билан бирга ушбу қабул қилинган қарор базавий инфляция кўрсаткичлари ва инфляция қутилмаларини барқарор пасайиш трендига қайтаришга ҳамда ўрта муддатли истиқболда 5 фоизлик таргетга эришиш учун етарли шароит яратишга қаратилгани алоҳида қайд этилди.

Маълумотларга кўра, умумий инфляция даражаси 2024 йил октябрь ойидан пасайиш трендига ўтиб, декабрда йиллик 9,8 фоизни ташкил этган. Ушбу трендга нархлар барқарорлашуви мустахкамланаётганининг ифодаси сифатида қараш мумкин. 2024 йил якунида истеъмол саватидagi товар ва хизматларнинг тўртдан уч қисмида нархлар ўсиши 2023 йилга нисбатан секинлашган.

Айни пайтда, декабрь ойида базавий инфляция биров тезлашиб, 7,2 фоизгача ошган. Бунда хизматлар ва ноозик-овқат товарлари базавий инфляцияси нисбатан юқори даражада шаклланаётгани таклиф омиллари билан бир қаторда ялли талаб ортиши билан боғлиқ инфляцияни келтириб чиқарувчи омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётда 2023-2024 йиллардаги истеъмол ва инвестицион фаолликнинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Хусусан, иш ҳақи ва трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг юқори ўсиши аҳоли реал даромадлари ошишига хизмат қилган.

Янгиланган прогнозларга кўра, 2025 йил якунига умумий инфляция 7-8 фоиз атрофида шаклланиши кутилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 2024 йилдаги энергия нархлари эркинлаштирилишининг бирламчи таъсири тугаб бориши II чорак якунида умумий инфляцияга сезиларли пасайтирувчи таъсирга эга бўлади. Шу билан бирга, 2025 йилда мазкур илохотнинг навбатдаги босқичи амалга оширилиши муддати бир ойга фарқланиши ҳисобига апрель ойида умумий инфляция даражасининг вақтинча ошиши қутилмоқда.

2025 йилда юқори иқтисодий фаоллик ҳисобига ялли ички махсулот ўсиши тенденцияси давом этиб, йил якунида 6 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

2024 йил сўнгги ойларидаги реал самарали алмашув курсининг маълум даражада мустаҳкамланиши қисқа муддатли характерга эга бўлиб, айрим савдо ҳамкорлар валюталарининг қадрсизланиши ҳамда бизда инфляция даражаси уларга нисбатан юқорилиги таъсирида шаклланган. 2025 йилнинг иккинчи ярмида инфляция даражаси пасайиб бориши билан реал самарали алмашув курси ўзининг ўрта муддатли тренди даражасига қайтиши кутилмоқда.

2024 йилдаги жорий операциялар ҳисоби сальдоси яхшиланиши ва 2025 йилда савдо ҳамкор давлатларда макроиқтисодий ҳолат нисбатан барқарор бўлиши тахмин қилинаётгани ҳамда алмашув курсига таъсир этувчи ички омиллар бўйича сезиларли хатарлар қутилмаётгани, ўрта муддатли истиқболда ички валюта бозорида мувозанатли тенденциялар вужудга келиши бўйича қутилмаларни шакллантирмоқда.

Бундан ташқари, пул бозоридagi фоиз ставкалари ва давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик кўрсаткичлари жорий пул-кредит шароитларининг нисбатан қатъийлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги реал фоиз ставкалари аҳолининг жамғаришга мойиллигини кучайтирмоқда.

Жумладан, пул-кредит шароитлари қатъийлик даражаси сақлаб қолиниши натижасида келгусида ҳам кредитлаш ҳажмининг ўсиши мўтадил бўлиши ва депозитларнинг юқори ўсиш суръатлари давом

этиши ялли талабни мувозанатлаштирувчи ва монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини камайтирувчи хусусиятга эга бўлади. Юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олиб, ўрта муддатли истиқболда нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк бошқаруви асосий ставкани ўзгаришсиз, яъни, 13,5 фоиз даражасида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ўрта муддатли истиқболда Марказий банк инфляциянинг 5 фоизлик таргетигача барқарор пасайиб бориши учун пул-кредит шароитларининг етарли даражада қатъий шаклланишини таъминлаб боради.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, асосий ставкани кўриб чиқиш бўйича Марказий банк бошқарувининг навбатдаги йиғилиши 2025 йил 13 март кунига белгиланган.

Матбуот анжумани сўнггида журналистлар мавзу юзасидан айни дамда кўпчилиكنи ўйлантираётган саволлар билан Марказий банк раиси Тимур Ишметовга юзланди.

– 2025 йил учун инфляция прогнозида газ ва электр энергияси тарифлари яна ошиши инобатга олинганми?

– 2025 йил апрель ойида электр энергияси ва газ тарифлари ошишидан инфляцияга дастлабки қўшимча таъсир 1,8–1,9 фоиз пункт бўлиши кутилмоқда. Бу жорий йил учун инфляция прогнозида энергия ресурслари, коммунал тўловлар, бензин, пропан учун барча тарифлар, яъни, давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар ҳисобга олинган. Шундан келиб чикиб, 7–8 фоизлик прогноз қилинган. Янада аниқроқ айтadиган бўлсак, бу прогнозда апрель ойида яна кўтариладиган энергия нархларининг ошиши ҳисобга олинган.

– 2024 йил августда асосий ставка 14 фоиздан 13,5 фоизга пасайтирилгани бозорга қандай таъсирини кўрсатди?

– Асосий ставканинг 0,5 фоиз пасайишининг бозорга таъсирлари албатта бўлди. Ўтган йили қатъий монетар шароитлар таъсирида миллий валютадаги депозитлар ҳажми 1,5 баробар ошган. Жумладан, аҳолининг жами сўмдаги депозитлари 79 триллион сўмдан 113 триллион сўмга кўпайган. Бу йиллик 43 фоиз ўсиш дегани. Фоиз ставкаси пасайишидаги ўзгаришлар давлат қимматли қоғозлари бозорида яққол кўринди.

– Ўтган йилгидек сўм долларга нисбатан қадрсизланишида давом этадими?

– 2024 йилда сўм долларга нисбатан 4,7 фоиз қадрсизланди. 2025 йилда эса номинал валюта курсида кескин ўзгариш бўлиши кутилмаяпти. Бир сўз билан айтганда, бу йил ҳам девальвация даражаси катта ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар йўқ, деб ҳисоблаяпмиз. Валюта курси кескин тебранишига асос кўрмаямиз. Албатта, бу ички валюта бозорига валютани кириб келиши ва чиқиши орасидаги талаб ва таклиф асосида шаклланади. Курснинг қанча бўлишини олдиндан ҳеч ким аниқ айта олмайди, бу нотўғри бўлади.

Ўтган йили трансчегаравий пул тушумлари 30 фоиз ошган. Экспорт яхши ўсган, яъни, олтинсиз ҳам 16 фоизга ошди. Валюта тушумлари кўпроқ бўлган. 2025 йилда ҳам бундан ёмон бўлишига прогнозлар йўқ. Валюта тушумлари ижобий бўлишига прогноз кўпроқ. Бундай шароитда девал-

вация кескин бўлишига асос йўқ, – деди Марказий банк раҳбари.

Маълумот учун, 2023 йилда сўм АҚШ валютасига нисбатан 9,7 фоизга, 2022 йилда 3,94 фоизга заифлашганди.

– Ўзбекистон Марказий банки АҚШ давлат облигацияларини харид қилишни давом эттирадими?

– Ўзбекистон Марказий банки олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш доирасида АҚШ ғазначилик облигацияларини харид қилишни давом эттиришни режалаштирмоқда.

Июнь ойида Марказий банк қиймати 35 миллион долларлик хорижий мамлакатлар қимматли қоғозларини сотиб олган бўлса, 2024 йил охирида эса уларнинг захирадаги ҳажми 101 миллион долларга етди.

Шунингдек, 2025 йилда қимматли қоғозларни харид қилиш ҳажми уларнинг нархи ва АҚШдаги фоиз ставкаларига боғлиқ. Бугунги кунда Марказий банк икки турдаги давлат облигацияларига эгалик қилмоқда, яъни, аниқ белгиланган ва ўзгарувчан (сўзиб юрувчи) ставкали.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг АҚШ ғазначилик облигацияларини сотиб олиш режаларига иқтисодий вазият ва АҚШ Федерал захира тизими (FRS) томонидан белгиланадиган фоиз ставкаси таъсир кўрсатади. Бироқ, Марказий банк бу йўналишдаги ишларни давом эттиради, чунки банк олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш, уларнинг барчасини битта активда сақлаш эмас, балки бошқа активлар ўртасида қайта тақсимлашни мақсад қилиб қўйган. Биринчи босқичда таваккалчилик даражаси нолга яқин бўлган АҚШ ғазначилик облигацияларини сотиб олишни режалаштирмоқда.

2024 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг халқро захиралари 6,6 миллиард долларга ошиб, 41,2 миллиард долларга етган. Олтиннинг физик ҳажми йил давомида қарийб 12,4 тоннага ошган.

– Ўзбекистонда ташқи қарз миқдори сезиларли ортиб бораётганига давлат бюджетида кузатилаётган тақчиллик сабабми?

– 2024 йилда давлат ташқи қарзи жалб қилишининг қонун билан белгиланган йиллик лимити 5 миллиард доллар эди. Бироқ йил якунида бу миқдор 7,3 миллиард долларга оширилди. 2025 йилда яна 5,5 миллиард доллар ташқи қарз олиниши белгиланган.

Хукумат қарз масаласи бўйича ишларни тартибга солган. Қарз юки мўтадил даражада сақлаб келинмоқда. Давлат қарзи ошиши бу бевосита бюджет тақчиллиги билан боғлиқ. Жорий йил учун тақчиллик 3 фоиз даражасида тасдиқланган бўлса, уни ёпишга ташқи қарзнинг 2,5 миллиард доллари ажратилиши белгиланган. Агар тақчиллик ошмаса, ташқи қарзни оширишга муҳтожлик бўлмайди. Шу билан бирга, ташқи қарзнинг валюта бозорига таъсири бор. Бу бўйича катта бир хатарлар кўрмаямиз. Мазкур масалада ҳукуматда қатъий ёндашувлар шаклланиб бўлган.

2024 йил III чорагида Ўзбекистон давлат қарзи 39,1 миллиард долларни (ялли ички махсулотга нисбатан 35 фоиз) ташкил этган. Шундан ташқи қарз 32,2 миллиард доллар, ички қарз салкам 6,9 миллиард доллар бўлган. Йил якуни бўйича ҳисобот ҳали эълон қилинмаган.

Прогнозларга кўра, 2025 йил охирида давлат қарзи миқдори 45,1 миллиард долларга етиши (ЯИМга нисбатан 36,7 фоиз) мумкин.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” муҳбири.



Беларусда Президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозимини эгаллаш учун 5 нафар номзод, жумладан, амалдаги Президент Александр Лукашенко даъвогарлик қилди. Расмий маълумотларга қараганда, овоз бериш учун сайловчиларнинг 85,7 фоизи келган. 26 январь кuni кечқурун барча сайлов участкалари ёпилган бўлса, бир сутка ўтгач, мамлакат Марказий сайлов комиссияси якуний натижаларни эълон қилди. Унда катта фарқ - 86,82 фоизлик натижа билан Александр Лукашенко ғалаба қозонди.

ИСТАНБУЛ ОСМОНИДА СИРЛИ ОБЪЕКТ

Истанбул шаркидаги Сабиҳа Гоксен аэропортига қўнган ва ҳавога кўтарилаётган самолётлар учувчилари 2 кундан буён осмондаги номаълум объект ҳақида хабар беришмоқда. DNA агентлигининг маълумот тарқатишича, бортдаги тизимларга тўқнашув хавфи ҳақида огоҳлантирув сигнали келмоқда. Баъзи учувчилар сигналлар кемалардан келаётган бўлиши мумкинлиги юзасидан ўз тахминларини билдирган. Аммо қирғоқни кўриқлаш хизмати вакиллари томонидан ўтказилган кенг кўламли текширувлар, шунингдек, ҳавода ва қуруқликда олиб борилган бошқа жиддий ўрганишлар таҳдид белгиларини аниқламади. Учувчилар эса ўз навбатида TCAS тизими орқали 500 фут, яъни, 150 метргача бўлган баландликда номаълум объектдан сигнал келаётганини таъкидлашмоқда.

ОЗДИРУВЧИ ВОСИТАЛАРГА ЧЕКЛОВ ЎРНАТИЛИШИ ЛОЗИМ

Буюк Британия Миллий дорихоналар ассоциацияси оздирувчи дори-дармонлар нотўғри буюрилаётганидан хавотирланиб, уларни онлайн сотишда қатъий чекловлар ўрнатишни талаб қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, фақатгина онлайн анкета тўлдириш билан чекланмай, оздирувчи уқоллар ва хавфи юқори бўлган бошқа дори-дармонларни тавсия қилишдан олдин мижозларнинг касаллик тарихи жиддий таҳлил қилиниши ва улар билан суҳбатлашиш зарурдир. Шу боисдан ҳам назорат қилувчи органлар бу масалани ўрганиши лозим. Огоҳлантирув Wegovy ва Mounjaro сингари оздирувчи воситалар Қиролликда тобора оммалашиб бораётган бир шароитда эълон қилинди. Мазкур препаратлар семирish ёки 2-тоифа қанд касаллигини даволашда қўлланилади ва иштаҳани бостириш орқали натижа кўрсатади. Аммо унинг инсон танасига салбий таъсирлари ҳам етарличадир.

ПАРИЖДА ЙИРИК ЁНҒИН

Парижнинг 12-округ мэриясида кучли ёнғин содир бўлди. Бу ҳақда Le Parisien нашриёти хабар тарқатди. Бутун бинони қурашб олган аланга иншоотнинг 36 метрлик гүмбазига жиддий шикаст етказган ва унинг қулаб тушиши эҳтимоли бор. Тунги соат 3 ларда бошланган офатга қарши курашга 150 нафар ўт ўчириш ходими ва махсус техникалар жалб қилинган, вазият назоратга олинди. Маълумотларга кўра, фавқулодда ҳодиса оқибатида жароҳатланганлар йўқ. Ёнғин сабаблари ҳозирча номаълум. Полиция ходимлари атайин ўт қўйиш аломатлари йўқлигини таъкидламоқда. 1876 йилда бир неча меъморий усуллардан фойдаланган ҳолда қурилган бинодан округнинг 145 минг аҳолиси учун ахборот маркази сифатида фойдаланилар эди. Шунингдек, унинг ичида болалар боғчаси ҳам бўлган.